

## БАДИЙ ДИСКУРСДА НАРСА ВА ҲОДИСАЛАРНИНГ НОМЛАНИШИНинг ПРАГМАТИК ЛИНГВИСТИК ҲУСУСИЯТЛАРИ

Ахмедов Умиджон Усубович

Қуқон давлат педагогика институти

axmedovumidjon87@mail.com

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Бадиий дискурсда нарса ва ҳодисаларнинг номланишининг прагматиклингвистик ҳусусиятлари ёритиб берилган. Бундан ташқари фаннинг обьекти бўлган лингвокультуре малар сифатида антропонимлар ва иборалар, ўзбек тилидаги ўхшатиш ва метафораларни таҳлил ва тадқиқ қилишига ҳаракат қиласанади. Номинация жараёнинг ҳозирги тилишуносликдаги талқини семантик ҳусусиятига кўра Бадиий дискурсда нарса ва ҳодисаларнинг номланишининг прагматиклингвистик ҳусусиятлари ўзаро адекват (ўхшаши), уларнинг айримлари мазмун жиҳатидангина эмас, ташки тузилиши, шакли бўйича ҳам мутаносиб келиши ҳолатлари прагматик томонидан тадқиқ қиласанади

**Калит сўзлар:** лингвокультурология, паремиология, антропоним, адекват.

### ТЕКСТ НАУЧНОЙ РАБОТЫ НА ТЕМУ «ПРАГМАТИЧЕСКИЕ ЛИНГВИСТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ИМЕНОВАНИЯ ВЕЩЕЙ И СОБЫТИЙ В ХУДОЖЕСТВЕННОМ ДИСКУРСЕ»

### АННОТАЦИЯ

В данной статье описываются прагматические лингвистические особенности именования предметов и событий в художественном дискурсе. Кроме того, предпринята попытка проанализировать и изучить антропонимы и словосочетания, аналогии и метафоры в узбекском языке как лингвокультуральные, являющиеся объектом науки. Согласно семантической природе современной лингвистической интерпретации процесса номинации, взаимоадекватны (сходны) прагматические языковые особенности именования вещей и событий в художественном дискурсе, некоторые из которых не только по содержанию, но и по структуре и форме..

**Ключевые слова:** лингвокультурология, паремиология, антропоним, адекват.

## PRAGMATIC LINGUISTIC FEATURES OF NAMING THINGS AND EVENTS IN ARTISTIC SPEECH

### ABSTRACT

*This article describes the pragmatic linguistic features of the naming of objects and events in artistic discourse. In addition, an attempt is made to analyze and study anthroponyms and phrases, analogies and metaphors in the Uzbek language as lingvokulturemalar, which are the object of science. According to the semantic nature of the modern linguistic interpretation of the nomination process, the pragmatic linguistic features of the naming of things and events in artistic discourse are mutually adequate (similar), some of which are not only in content but also in structure and form.*

**Key words:** linguoculturology, paremiology, anthroponym, adequate

### КИРИШ

Жаҳонда географик глобаллашув жараёни маданият ва табиёт соҳасида ҳам улкан ўзгаришлар ясади. Тоғнинг улуғворлиги масофадан намоён булади.

Бадиий асарнинг қиммати ва ақамияти ҳам миллим худудни ёриб чиққанида аниқланади. Жаҳон адабиёти дурдоналари шунинг учун ҳам буюкки, улар деярли барча ҳалқнар томонидан бирдай қабул қилинган.

Бадиий асарни ўзлаштириш масаласида географик масофанини миллийлик- билан боғлик қирраси бор. Бу ўринда унинг тили олдинги каторга ўтади. Асар ёзилган тил, уни эгаллаб турган миллат менталитетта асар муваффақияти билан боғлиқ ходиса хисобланади. Бироқ ҳалқаро коммуникация юкори чўққига кўтарилиган ҳозирги вақтда миллий менталитет умуминсоний характера айланмокда.

Бу хол кайси тилда ёзилган бўлишидан қатъий назар бадиий асарни бошқа ҳалқлар томонидан умуминсоний ҳалқаро муаммоларни кўтарган манба сифатида кабул килиш мумкинлигини исботланмоқда.

Таржима бир тилда яратилган бадиий тафаккурнинг янги тўлқинларини иккинчи тилда янада жозибалироқ жаранглашуви учун хизмат килади.

### МУХОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ўзбек мактаби ўзининг қадимий анъаналари ва буюк сиймоларига эга. Ислом маданиятининг ажralmas қисми сифатида араб, форс адабий анъаналари билан бир қаторда хинд, хитой ва бошқа ҳалклар маданияти намуналари ўзбек китобхон ёшлирининг санъат хазинасини бойитган. Янги замон адабиёти

бевосита Европа маданията ва дунёқараши тараққиёти билан боғлик, Дунёнинг янги маданият ўчоқлари сифатида Англия, Франция, Германия, Испания, Россия адабиётларининг намуналари бошқа халқдар учун маҳорат мактабига айланди. Бу тилларда яратилган асарлар жаҳонда деярли барча халклар томонидан ўқила бошланди. Ўзбек хам янги замон адабиёти тимсоли сифатида айнан шу тилларда яратилган ёки шу тилларда кўчирилган китобларга кенг мурожаат қилмоқдалар. Бу табиий, албатта. Ҳозирги китобхонни энг аввало дунёнинг тараққий топган ёки аниқроги Европа цивилизациясига ўтган мамлакатлардаги эҳтиёж ва ижтимоий психология кўпроқ қизиқтиromoқда. Бу ўринда безавол ва бемминат манба вазифасини ўтайди. Бадиий асар серқирра онг соҳаси экан, унинг умумхалк мулкига айланишида миллат зиёлиларининг барчаси масъулиятли. Миллат руҳи ва қалбини иккинчи миллатга етказувчи чопар. Унинг беминнат меҳнати ўз кадрини топиш. Зеро ҳар бир миллат маданияти ва адабиёти жаҳон сахнасида ўз ўрнини топа ди.

- Бадиий таржима фактат тил билиш билангина чегараланмасдан миллатнинг қалбини очиб берадиган хилкатни ҳам етказиб бериши лозим.

Ижодкор, ўзига хос бадиий кашфиёт яратувчисидир. Бадиий кашфиёт, умуман кашфиёт соҳасида энг аввало шуни назарда тутиш лозимки, инсон онги, заковати, буюк ҳақиқат нурларини ёлқин асосида тушунади Бирок ўша хакиқагга элтувчи, нур турли йўл билан намоён булади. Хусусан, материалистлар фикрига кура ижод куп йиллик меҳнат ва тажрибалар хосили. Унинг замирида инсоннинг асрлар оша йиғилган ақлий меҳнати самараси ётади. Ой худди узоқдаги улкан ва ёруғ сайёранинг мавжудлиги ва ёруғлигини биз фақат унинг сочиб турган нурлари микдорини аниклаш орқалигина тушуниб ётганимиз каби. Бинобарин, янги кашфиёт ёхуд янги гоя мана шу минглаб ассоциацияларнинг сўнгги нуқтаси бўлиб яралади.

Бу холатлар бадиий кашфиёт йўлидаги изланишларнинг турли қирралари ҳар хиллигини кўрсатар экан, манзилнинг, мақсаднинг эса битгалигини тасдиқлайди. Бирок бу манзилга энг яқин ва тўғри йўлни нжодий ёрқин эгасигина топа олади.

Ёрқин улкан масофадаги нур, сочиб турган ёруғ кашфиётни бир забт билан қараб ўтувчи лисоий нур. Ёрқин этапма-этап йўл босмайди аксинча. Бир хам бир хил кечмайди. Талантли одамлар мана шундай илхом техник жараёни соҳиблари хисобланади. Бундай одамларни интрагенлар гурухига хам киритиш мумкин. Интрагенлар ички ҳис-туйғлар билан яшайдиган одамлар. Мақсад ва

хис-туйгуларини ички монолог орқали билдиради, уз орзуларини яширади. Уларнинг онгидаги тезлик агарда тажриба натижаси бўлганда бу хол аниқ материализм, реализм хисобланган бўлур эди. Вахоланки, талант кўпинча ёш авлод, ёш инсон фаолиятида намоён бўлади. Тажриба, укув, билим, зеҳн, идрок, кўникма иккинчи даражага тушиб колади.

Ўрта асрларда Европада аввал фан гараққиёти учун амалий зарурият тугилди Ёки аниқроғи амалий эҳтиёжлар, амалий техник воситалар, техник тараққиёт (пар машиналар, поезд, автомобиль, велосипед, ва бошқалар) қайсиdir маънода инсоният дунёкараши ва фикрлаш дунёсини бутунлай янги йулга солди. Бинобарин, улар ўз навбатида қайсиdir тамомила тасаввурга сифмайдиган илмий кашфиётларга йул очди. Худи шу зарурият натижасида табиий фанлар тараққиёти, аниқ фанлар, аниқ ҳисоб-китобга асослангдн фанларнинг хусусий томонларини мукаммал урганиш эҳтиёжи туғилди.

Мана шу ўринда айтиш мумкинки, "бу даврда бадий тилнинг мыслум хусусиятларини, мукаммал таҳлилисиз амалга ошириш асло мумкин эмас.

Асарнинг ташиётган гояси унинг юқоридаги хусусиятлари билан чамбарчас боғлиқ. Бирок уларни тўғри гушуниб олиш учун масаланинг моҳиятини туғри белгилаш учун нафақат ижодкор, балки бевосита ўқувчи хам бадий тилнинг айнан шу меъёрлардан, яъни бадий ижоднинг бадий герменевтика билан боғлиқ хусусиятлардан хабардор бўлиши зарур.

Асарнинг урганиш, унинг мазмун-моҳияти акс этган матн хусусиятларини узлаштириш катор психологик жараёнлар орқали амалга ошади. Унда ижодкор ички дунёси, у мансуб бўлган халқ менталитета хамда турли миллий-ижтимоий имкониятлар ўзаро тўқнашади. Ўқувчи тақдим этилган матндан эфемер фантазия орқали хоҳлаганча бадий тафсилотлар яратиши мумкин. Бирок уларнинг хаққонийлиги ёки инсон эстетик ёки индивидуал дунёкарашини шакллантиришдаги эффектив имкониятлари турлича баҳоланади.

Бадий адабиёт ижтимоий онг соҳаси сифатида жамият ҳаётининг барча томонларига кириб борган. Шу боис ижтимоий психология, илм-фан ютуклари, иқтисодиёт мезонлари бадий тафаккур ифода аспектлариянг ичida бўлиб қолди.

Антик адабиётдаги мифологик тафаккур ўрта асрларда реалистик манзараларда, янги даврда эса романтизм ва реалистик тасзир усулининг чатишган мезонларини шакллантирди. XX аср адабиётида бош планг-кўтарилигандан хол бу- инсон ички дунёсининг поэтик тасвири эди. Инсон ички дунёсининг индивидуал қирраларини топиш, унинг янги штрихларини кашф

қилиш, бинобарин, ижтимоий психологиянинг янги-янги тамойилларини шакллантириш бадиий адабиёт, тафаккурнинг фақатгина фалсафий - эстетик ходиса холатини истисно қилди.

ХХ асрнинг 90-йилларида инсоният иккита буюк инқилобни бошдан кечирди. Булардан биринчиси сиёсатда, иккинчиси технологияда амалга оширилди. Сиёсий инқилоб социалистик лагерни барбод қилди, чегараларни очиб юборди ёки интизомни бўшаштириди. Одампарнинг дунё бўйлаб эркин айланиб юришлари учун шароит яратди. Илм-фан натижаларининг инсон фактори ёки оммавий нашр, китоб воситасида халқаро истилоҳга кириши тезлашди. Коммуникацкяниң кучайиши янги бадиий асарлар билан бирга, янги адабий қарашларнинг хам ўзлаштирилишида худудий тўсикдарни олиб ташлади. Шу ўринда иккинчи - технология соҳасидаги инқилобнинг хам ўрни ва аҳамияти буюк. Одамлар компьютер, мобил алоқа воситалари орқали қисқа муддатларда борлиқнинг турли чеккасида юз берган, бераётган ёки хаттоки юз берилши мумкин бўлган янгиликдан хабардор бўлиш имкониятига эга бўлиб қолдилар.

Имкониятларнинг кенгайиши инсон онги. тафаккури, бадиий-эстегих қарашида улкан ўзгаришлар ясади. Натижада одамлар борлиққа, ҳаётга жамиятга тамомила янги кўз, янги нигоҳ билан қарай бошладилар. Аввалрок инсон менталитетида иктиносидий, сиёсий, ижтимоий фактор бош роль ўйнаган бўлса, эндиликда инсон ички дунёси, индивидуал психология, унинг қарашлари, манзараларини урганиш, шу орқали борлиқнинг, жамиятнинг янги рангларини кашф килиш муҳимроқ бўлиб қолди. асарнинг хам санъат намунаси, ижтимоий-эстетик намунаси имкониятидан фойдаланган, жамият психологиясининг янги рангларини топиш, яратиш ва шакллантир борасидаги имкониятлари герменевтаканинг асосида бўлади. Инсон асарда акс этган хаёт манзарасини ўзи имконияти (даражасида . менталитетига мувофиқ шаклда қабул қилиши мумкин.

Адабий тил умумхалқ тилининг муайян қолипга солинган шакли бўлиб, унинг барча лисоний хусусиятларини қамраб олади, ўзининг барча кирралари билан бадиий адабиётда намоён бўлади. Бироқ ҳар қандай бадиий асарни адабий тил намунаси деб ҳисоблаш нотўғри бўлур эди, чунки бу ҳол бадиий асарнинг индивидуал ижод намунаси эканлигини истисно қиласди. Шоир (ижодкор) ўз асарларида гоҳ ҳазил, гоҳ чукур фалсафий маъноли фикрларга гаяиган холда тасодифанлиги, кутилмаган фикрларни, тушунчаларни кашф қиласди. Ижодкорнинг бадиий фантазияси унинг лисоний имкониятлари, халқ

тилидан қанчалар баҳрамақд әканлиги ва ўзи әгаллаб іурган тил хусусиятларини бадий матнда қанчалар махорат билан қўллай олишидан иборат. Бироқ ёлғиз билиш ва қўллашнинг ўзи муаллифнинг чекланган имконияти холос, у шунинг учун хам ижодкорки, тилнинг янги бадий имкониятларини ҳосил қилиши, яратиши лозим. Худди мана шу ўринда ижодкор оқиазионал ҳолатлар вужудга келтиради, бадий фантазия яратади, бадий тафаккурнинг янги қирраларини шакллантиради. Бинобарин инсон ижодиёти имкониятларини кенгайтиради. Бирок бу ход ҳар қандай ижодкорнинг хам имконияти даражасида эмас. Ижтимоий онг, бадий тафаккур тараққиётiga хисса қўшиш, унинг сайкал топишини таъминлаш ёлгиз классикларгагина насиб қиласи. Чунки классик -бу шундай ижодкорки, токи ундан инсон ҳали ўзи англаб етмаган борлиқ уфқларини, унинг янги қирраларини ўргансин. Ана шу жихатдан олиб каралганда ҳажвий асар матнини, у орқали акс этган ижодкор бадий дунёсини ўрганиш бир томондан ўта мураккаб бўлса, иккинчи томондан ниҳоятда муҳим ҳамдир. Инсон бадий-эстетик дунёқарашининг ўзига ҳос шакли бўлганлиги боис алоҳида тадқиқотни талаб қиласи. Бадий асар тилнинг функцияси оддий, умумхалк тилининг функциясига мос келмайди, унинг қандайдир ўзига ҳос тимсолий мураккаблигини ташкил қиласи. Шеърият тили - мураккаб тил, унда тушунчалар бир хил тимсоллар воситасида белгиланиб, ўзга тимсолларда изохданади, бошқалари билан хulosаланади. матнининг ўзига ҳос хусусияти шундаки, у мана шу тимсоллар воситасида янги, мавҳум тасаввур-иллюзия уйогади. Шунинг билан бир қаторда шеърий тимсолли сўзлар реал, мавжуд сўзларнинг алоҳида функцияси сифатида инъикос этилади, чунки шеъриятнинг ўзи бизни ўраб турган объектив борлиқнинг хусусий бир инъикосидир. Шоир халқ тилидан бир тушунчани олиб бошка хили билан киёслайди ёки бир тушунчани иккиячисига чогиширади, натижада синтез-учинчи, янги фикр ҳосил бўлади.

Бадий асар матнда стилистиканинг ўрни муҳим, чунки оддий нутқдаги бирмаъноли сўзлар шеъриятда кўчма маъно касб этади, бу ҳол статистик йўл билан амалга оширилади. Стилистика шеъриятда қанчалик муҳим бўлмасин. гоя, маъно-моҳият тили доимо етакчи ўринда туради, чунки шоирнинг стилистик услубдан кўзлаган мақсади хам гоя-оригинал гоя ифодалашдир.

Бадий асар матни ўзида нафақат тилнинг маълум бир шаклларини мужассам зтади, балки энг аввало тилда ифодаланган гоя, маъно ва ҳиссиётни акс эттиради.

Бадий асар -матни, бадий матн лингвопоэтикасини урганиш ўзига хос тарихга эга. Шарқ илмида бадий асар матнини урганиш борасида Абу Наср Фаробийнинг асарлари муҳим аҳамиятга эга. У ўзининг шеър санъати ва

шоирларнинг шеър езиш санъати конунлари қақидаги асарларида лирик асарлар матни, услуби ва уларни бадий-эстетик нуқтаи назардан таҳдил қилиш борасида қимматли фикрлар билдирган. Бевосита туркий адабий ёдгорликлар жанри вазни ва бошка поэтик хусусиятлари ҳамда матн ва бадий тил хусусиятларига сагишлиланган асарлардан Навоийнинг «Мезон ул-авзон» ва «Мажолис ун-нафоис» асарлари муҳим аҳамиятга эга. Бобур ўзининг «Мухтасар» асарида эски ўзбек ва форс-тожик тилларида яраталган лирик асарлар адабий - лисоний ва матн хусусиятлари ҳақида қимматли фикрлар билдирган.

Кейинги даврларда ўзбек бадий адабиётининг матн ва поэтик хусусиятларини урганиш борасида йирик тадқиқотлар бажарилди Шунингдек, ўзбек мумтоз адабиётининг таникли намояндалари Навоий Бобур Мухаммад Солиҳ ва бошқалар асарларининг герменевтик имкониятлари катор тадқиқотлар марказида бўлган.

Узбекистан миллим мустакилликка эришганидан сўнг аввалда таъқиқланган қарор янги соҳаларни ўзлаштириш учун имкониятлар яратилди. Адабиётда ва адабий онг тараққиётида хам туб ислоҳотлар кузатилди.

Миллий маданиятнинг янги хусусиятлари белгиланаётган хозирги шароитда унинг ажralmas бўлган адабиётни яратиш, ўрганиш ва унинг ижтимоий - сиёсий таҳдили алоҳида эътиборни талаб қиласи.

Айнан шу ҳол бевосита жамиятни, тилни, миллий психологияни ўрганишда муқаммал ўргангани ҳолда ўша позициядан туриб хорижий тилдаги адабиёт ва адабиётшуностликни ўрганиши ҳамда таҳлил қилиши зарур. Бу зарурият унинг ўша ҳалқ тили, дунёқарashi ва миллий психологиясини чукур ўргагишга хизмат қиласи, ҳалқнинг ичига кириб боришига йўл очади.

Жаҳонда илғор маданият мактаблари яратган ҳалқдар адабиёти бевосита уларнинг инсоний гўзалликларни бадий тафаккур воситасида таҳлил қила олиш имкониятини хам таъминлаган. Тилнинг барча маънавий, фалсафий ва эстетик ранг - баранглиги ўз навбатида адабиёнинг камолотини таъминлайди. Инглиз филологияси таҳсилда Шекспир, Байрон, Диккенс, француз филологиясида Гюго, Камю, Стендаль, немис филологиясида Гёте, Гейне ва испан филологиясида Сервантес кабиларнинг ижодий дунёси, лугавий бойлиги таҳлилисиз талабага тилни муқаммал ўргагиш асло мумкин эмас.

Бадийй асар матнинг илмий таҳдили талаба лисоний тафаккури тараққиётидаги энг муҳим босқич. Ҳар бир миллат адабиёти тарихи адабиётшунослик, тилшунослик, тарих каби фанлар билан узвий боғлиқ. Бас шундай экан, миллатнинг эстетик - маданий дунёқарашида бадийй адабиёгнинг ўрни ва ахамиятини камситиб бўлмайди. Тилнинг тараққиёт босқичлари бевосита адабиётнинг тараққиёт босқичлари билан узвий боғланган.

## **REFERENCES**

1. Нурмонов А. Танланган асарлар. Уч жилдлик 1 жилд. Тошкент: "Академнашр"2012
2. Собиров А.Ш. Ўзбек тили лексик сатҳини системалар системаси тарзида ўрганиш. Т., 2004;
3. Рахмонбердиев К. Глаголы зрительного восприятия в узбекском языке. Автореферат дисс... канд. филол.наук.Ташкент,1969;
4. Искандарова Ш. Тил системасига майдон асосида ёндашув., Т., 2007.
5. Trier J. Der Deutsche Wortschatz im Sinnbezirk des Verstandes.(Die Geschichte eines sprachlichen Feldes). Bd 1. Heidelberg, 1931;
6. Ipsen G. Der alle Orient und die Indogermanen."Stand und Aufgaben der Sprachwissenschaft"? Festschrift fur W. Streitberg. Heidelberg, 1924.;
7. Porzig W. Das Wunder der Shprache (Probleme , Methode, und Ergebnisse der modernen Sprachwissenschaft), 2. Aufl. Bern, 1957.
8. Гулыга Е.В., Шендельс Е.И. Грамматико-лексические поля в современном немецком языке. М., 1969. 183 с.
9. Hess, The Tell-Tale Eye: how your eyes reveal hidden thoughts and emotions [Text] / E. H. Hess. - N-Y : Van Nostrand Reinhold Company, 1975. -259 p.
10. Ekman, W.V. Friesen. — New Jersey : Prentice-Hall, Inc., Englewood Cliffs, 1975. - 212 p.